



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 23 октябрь, № 221 (3496) Шанба

Бунёдкор ёшлар шижоати

Ёшлар юртимиз келажаги.
Шу боис ҳам уларнинг ҳар томонлама
баркамол бўлиб улғайишлари учун
мамлакатимизда барча шароитлар
яратилмоқда.

Кармана туманидаги "Хазара" ширкат
хўжалиги ҳудудда бунёд этилаёт-
ган Машиий хизмат кўрсатиш касб-хунар
коллежи ҳам қишлоқ ёшлари учун қўлайлик
бўлади, дейиш мумкин. Айни пайтда қури-
лиши жадал олиб борилаётган иншоотда "Зи-
лола пойдевори" жамоа корхонасининг 250 на-
фар ишчиси меҳнат қилмоқда.

Коллеж ишга тушгач, бу ерда машиий хиз-
мат машиналари ва жиҳозларини, қишлоқ
хўжалик техникаларини таъмирлаш сингари
бир қатор мутахассислар бўйича 300 на-
фар ёш касб сирларини ўргана бошлайди.

СУРАТДА: қурувчи Камол Жуманийёзов.

Собир ЗУФАРОВ
(ЎЗА) олган суратлар.



УЙҒУН ВА МУСТАҲКАМ СИЛСИЛА



Марказий сайлов комиссияси ходимларининг иши катта тадбир олдидан янада
кўр олди. Утган кун икки жойда йиғилиш бўлган бўлса, кеча яна уч жойда катта-
кичик тадбирлар ўтказилди. Учрашувлар, мулоқотлар, мажлис ва халқаро анку-
манлар — ҳаммаси долзарб ва бирор соатга кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар-
дир. Марказий сайлов комиссияси биносида, Матбуот марказида, институт ва
бошқа муассасаларда ўтказилаётган йиғинларда сайловларнинг қонуний аспекти-
лари миридан-сиригача изоҳланмоқда, бўлажак сиёсий тадбирларга тайёргарлик
жараёни ҳолис ва ошқора тус олмақда. Аниқроғи, бу тадбирлар моҳиятан бир-
бирини тўлдириб, ўзаро уйғунлашиб ва мустаҳкам боғланиб кетган силсилага
ўхшади. Бу силсила ҳалқалари бизни янгиланаётган демократик фуқаролик
жамияти сари тобора яқинлаштирмоқда.

Ростданам, Марказий
сайлов комиссиясининг
сайловга тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш
бўйича ҳаракатлар дас-
турининг иккинчи босқичи
ишчанлик руҳида давом
этноқда. Зеро, кеча Мар-
казий сайлов комиссияси
Матбуот марказида Олий
Мажлис Қонунчилик пала-
тасига сайлов ўтказувчи
округ сайлов комиссияла-
ри билан уларнинг фао-
лиятини ташкил этиш
бўйича республика семи-
нарининг ўтказилиши ҳам
ана шундай мантқий зан-
жирнинг бир халқасидир.
Унда Ўзбекистон Респуб-
ликаси Марказий сайлов
комиссияси раиси Бўри-
тош Мустафоев Олий Маж-
лис Қонунчилик палатаси-
га сайлов ўтказувчи округ
сайлов комиссияларининг
вазифалари тўғрисида

маъруза қилди.
Аввал эълон қилгани-
миздек, парламентнинг
Қонунчилик палатасига
сайлов ўтказувчи 120 та
округ тузилди ва округ
сайлов комиссияларининг
таркиби тасдиқланди.
Марказий сайлов комис-
сияси сайлов ҳужжатла-
рининг барча муҳим на-
муналари ва шакллари-
ни, участка ва округ сайлов
комиссияларининг муҳр-
ларини ишлаб чиқди.
Сайлов ўтказиш билан
боғлиқ ҳаракатлар смета-
си ҳам ҳисоблаб чиқилди
ва тасдиқланди. Эндилик-
да деярли барча ҳужжат-
лар тайёр.
Округ комиссиялари
хуқуқий мақоимнинг ху-
суятини шундан иборатки,
улар округда бу сиёсий
кампанияни ташкил этиш
билан бирга, сайловга

доир қонунларнинг бажа-
рилишини назорат қила-
дилар, уларнинг қондала-
ри ҳамма жойда бир хил
қўлланилишини таъмин-
лайдилар. Равшанки, ок-
руг сайлов комиссияси
вилоят, шаҳар ва туман
ҳокимлиги, адлия,
хуқуқни муҳофаза қилиш
органлари билан ҳамкор-
ликни яхши йўлга қўйган-
дагина назорат таъсир-
чан бўлади. Қолаверса,
бу соҳадаги ҳамма ишлар
ошқора ва очиқ олиб бо-
рилиши зарур.

«Ўзбекистон Респуб-
ликаси Марказий сайлов ко-
миссияси тўғрисида»ги
Қонунга асосан, мамла-
катимиз ҳудудида мазкур
қонуннинг бир хил, аниқ
ижросини таъминлаш
мақсадида сайловни таш-
кил этишга доир масала-
лар юзасидан Марказий

ри, участка сайлов комис-
сиялари иши устидан
арица ва шикоятларни ўз
вақтида кўриб боришлар-
ни зарурлигини ўқирди.
Округ сайлов комис-
сиялари барча участка-
ларда сайловчиларнинг
рўйхатлари ўз вақтида ва
тўғри тузилишини, участ-
ка сайлов комиссиялари
шаҳар ва туман ҳокимлик-
ларидан уларнинг ҳуду-
дида яшаётган сайловчи-
лар тўғрисидаги аниқ
маълумотларни ўз вақти-
да олишларини ва бу
рўйхатларни қонунда бел-
гиланган мuddатлардан
кечиктирмасдан ҳамма-
нинг танишиб чиқиши
учун тақдим этишларини
назорат қилишлари ло-
зим.
Шунингдек, семинарда
фуқаролик жамиятида
сайловларнинг аҳамияти,
сайлов қонунчилигининг
хусусиятлари, мазмун-мо-
ҳияти, сайлов борасида
ошқоралик ва очиқликни
таъминлаш ҳақида ҳам
фикр юритилди.
Семинар сўнггида ок-
руг сайлов комиссиялари
раисларига сайловга дах-
лдор қонунлар, қарорлар,
Марказий сайлов комис-
сияси томонидан ишлаб
чиқилган Низом ва йўриқ-
номалардан иборат ҳуж-
жатлар тўплами тақдим
этилди.

Э.БОЛИЕВ.

Парламент назорати

Реклама шунчаки ЭЪЛОН ЭМАС

Кеча Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда бу гап ҳақ-рост
эканлиги эътироф этилди.

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот
қўмитаси уюштирган ушбу йиғилиш-
да «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий
вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама
қилинди. Унда таъкидландики, виллоятда
қонун ижроси юзасидан муайян ишлар амал-
га оширилган. Мисол учун, реклама тарқа-
тиш хуқуқига эга бўлган телерадиоканал-
лар ва газеталарда қонун талабларига риоя
қилинган ҳолда рекламалар бериб берил-
моқда. Шунингдек, йўллар бўйига ҳам ре-
klamalar ўрнатилган, уларнинг аксарияти иж-
тимоий рекламалардир. Воёга етмаганлар
тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ре-
klamalarни тарқатиш ҳолатлари қайд этил-
маган. Депутатлар ишчи гуруҳи қонун иж-
росини ўрганиш жараёнида камчиликлар
борлиги ҳам аниқланди. Масалан, 2003 йил
ва жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида
вилоят монополиядан чиқариш ва рақобат-
ни ривожлантириш бошқармаси томонидан
ўтказилган мониторинг натижасида 15 та
корхона ва ташкилот қонун талабларини бу-
зганлиги аён бўлди.
Ижтимоий ҳаётда рекламанинг ўрни ор-
тиб бораётган айни пайтда виллоятда ре-
klamalar сони нисбатан камлигини ҳам айтиб

ўтиш жоиз. Устига-устак айрим ҳолларда бе-
рилаётган рекламалар қонун талабларига
жавоб бермапти. Айтилайлик, бир хонанда
Навоий шаҳрида концерт ўтказиш олдидан
реклама беради. Аммо унда фонограмма-
дан фойдаланилиши ҳақидаги ахборот кел-
тирилмайди. Амалда эса томошабинларга хо-
нанданинг фонограммалари қўшиқлари ҳо-
ла этилади. Бу билан у «Реклама тўғриси-
да»ги Қонуннинг 13-моддаси, «Истеъмолчи-
лар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги
Қонуннинг эса 6-моддаси талабларини буз-
ган. Хонанда бу қонунбузарлиги учун жа-
риммага тортилган.

Депутатлар ишчи гуруҳи қонун ижроси
билан танишиш жараёнида виллоят оммавий
ахборот воситалари фаолиятида ижобий
ўзгариш ясалганлигига ҳам амин бўлдилар.
Телерадио ва матбуотда очиқ мулоқотлар
уюштириб келинмоқда. Бирок уларда мала-
кали журналист кадрлар етишмайди. Йиғи-
лишда аниқланган камчиликларни бартараф
этиш бўйича тавсиялар берилди. Муҳокама
қилинган масалалар юзасидан эса тегишли
қарор қабул қилинди.

Худойберди ЭШМАНОВ.

ЯНГИ МИНГЙИЛЛИКДАГИ МАҚСАДЛАРИМИЗ

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказда Ўзбеки-
стонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари тақдими-
га бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбир
Бирлашган Миллатлар Ташкилати кўни арасида
унинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан
уюштирилди. Бу кун ҳар йилнинг 24 октябрда бутун
дунёда нишонланади. Унда республика вазирлик ва
идоралари, жамоат бирлашмалари, Ўзбекистонда
фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ҳамда
дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

2000 йилда ўтказилган
Бутунжаҳон саммитида
Мингйиллик ривожланиш
мақсадлари қабул қилинган
эди. Ушбу ҳужжат 2015 йил-
гача барча давлатлар учун
одамлар ҳаётини яхшилаш
дасурига айланди. Дунё-
нинг барча мамлакатларида
тегишли ҳаракатлар дас-
тури ишлаб чиқилмоқда.
— Ўзбекистонда 13 йил-
дан бунён амалга ошириб ке-
линаётган ижтимоий йўнал-
тирилган сиёсат халқ фаро-
вонлигини ошириш, унинг
моддий ва маънавий эҳтиёж-
ларини қондиришга қара-
тилган, деди Республика
иктисодий вазирининг би-
ринчи ўринбосари Г.Саидо-
ва. — Масалан, умумий
бошланғич таълимни таъ-
минлаш каби ривожланиш
мақсади энди биз учун дол-
зарб эмас. Бундан ташка-
ри ҳаётнинг барча жаҳзала-
рида эркаклар ва хотин-қиз-
лар тенглигига риоя қилин-
моқда. Шундай эса-да, хали
ҳал этилмаган қўлб муҳим
масалалар бор. Ривожланиш
мақсадларига эришиш бо-
расида Ўзбекистоннинг дав-
лат тузилмалари ва БМТ
агентликлари вакилларидан
иборат Мувофиқлаштирувчи
қўмита тузилди. Аҳоли тур-
муш даражасини ошириш,

хотин-қизлар хуқуқ ва им-
кониятларини кенгайтириш,
оналар ва болалар ўлими-
ни янада камайтириш, сил
касаллиги ва ОИВ/ОИТС-
нинг тарқалишига қарши ку-
рашни фаоллаштириш, эко-
логик барқарорликни таъ-
минлаш, халқаро ҳамкор-
ликни ривожлантириш
Ўзбекистон учун устувор
мақсадлар сирасига кириди.
Ўзбекистонда бу вазифа-
ларни бажариш учун амалий
чоралар қўрилмоқда. Мас-
алан, ҳукуматимиз аҳолининг
кам таъминланганлик дара-
жасини 2015 йилга келиб
қарийб икки бараварга қис-
қартириш стратегиясини
ишлаб чиқди. Еш авлоди
ҳар томонлама билимли
қилиб тарбиялаш учун
қўллаб ишлар қилинмоқда.
Бу борада Кадрлар тайёр-
лаш миллий дасури ишчи
равишда амалга ошири-
лаётир, 2004-2009 йил-
ларда Мактаб таълимини
ривожлантириш Давлат
умуммиллий дасури қабул
қилинди.
Шунингдек, Президент
Фармонида мувофиқ жами-
ятда хотин-қизлар мақоми-
ни ошириш бўйича кўп иш-
лар амалга оширилмоқда.
Айниқса оналик ва болалик-
ни муҳофаза қилишга ало-

ҳида эътибор қаратилмоқ-
да. Республика 2015 йил-
га келиб, болалар ўлими
кўрсаткичини учдан икки-
га, оналар ўлимини эса
икки баробар камайтириш-
ни ўз зиммасига олди. Сил
касаллиги ва ОИВ/ОИТС-
нинг тарқалишига йўл
қўймаслик мақсадида фаол
чора-тадбирлар қўрилмоқ-
да. Бунинг учун эса мақ-
садли давлат дасури
амалга ошириляпти.
Ўзбекистон бу йўналиш-
ларда жаҳон ҳамжамияти,
қўллаб халқаро ташкилот-
лар билан фаол ҳамкорлик
қилмоқда. Иқтисодий ало-
қалар ривожланмоқда, мам-
лакат иқтисодийётига хори-
жий инвестициялар оқими
кўпаймоқда.
Учрашувда жорий йил
бошидан бунён БМТнинг
Ўзбекистондаги ваколатхо-
наси ва Халқ таълими ва-
зирлиги томонидан респуб-
лика мактаб ўқувчилари
ўртасида ўтказилган «Минг-
йиллик ривожланиш мақ-
садлари» мавзусидаги плакат-
лар танлови ғолибларини
муқофотлаш маросими ҳам
бўлиб ўтди. Танловда энг
яхши деб топилган 23 на-
фар ёш расомга қimmatли
совғалар топширилди. Улар-
ни «Сен ёлғиз эмассан» респуб-
лика жамоатчилик бола-
лар жағмармасининг ҳоми-
лик кенгаши раиси Л.Кари-
мова, ЮНЕСКОнинг Ўзбе-
кистондаги доимий вакили
Майкл Барри Лейбн фабрик-
лади.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Япон миссияси ташрифи

Кеча Япониянинг
Марказий Осиё мадания-
ти бўйича миссияси рас-
мий сафар билан Ўзбе-
кистонга келди. Япония
Ташқи ишлар вазирлиги
Ахборот ва маданий а-
лмасувлар бошқармаси
бошлиги Сейичи Кондо
раҳбарлик қилаётган мис-
сия таркибида кунчи-
кар номидаги маданият
фонди бошқарма боши-
лиги Мотохиса Шимид-
зу ҳамда Токио универ-
ситетининг машҳур про-
фессорлари Масаюки
Ямаучи ва Хисао Кома-
цулар бор.

Меҳмонлар ташриф
чоғида Ўзбекистон ҳуку-
мати аъзолари билан уч-
рашдилар, Укуо Хирая-
ма номидаги маданият
карвон саройига ташриф
бўуришди. Шунингдек,
ўзбек-япон инсон оми-
ларини ривожлантириш
маркази фаолияти билан
танишдилар. Бундан
ташқари, ташриф дас-
туридан Самарқандга са-
фар қилиш, олий укув
юртларида учрашувлар
ўтказиш ҳам ўрин олган.

ЎЗ мухбири.

Масъулият юки

Уни сайловларда илк бор қатнашадиганлар
қандай ҳис этишмоқда?



Ешлар!
Бу сўзни
тилга олганда
барчанинг
бўғулиги пайдо
бўлади. Кел-
ажак рамзи
гавдаланади.
Албатта,
ёшларимизнинг
интилувчанли-
ги, билимга
чамоқлиги,
таълим-тарбияси, маданияти ва энг муҳими, сиёсий
онининг шаклланиши билан яшайдиган юртининг
эртанги кун қандай бўлишини белгилаб беради.
Мамлакатимизда бугунги кунда катта ўзгариш-
лар, бунёдкорликлар ва туб ислохотлар амалга
оширилмоқда. Шу йилнинг 26 декабрида икки
палатали парламентга бўлиб ўтадиган сайловларда
ёшларимизнинг иштироки муҳим ўрин тутди.
Ешлар бугунги кунда аҳолининг қарийб 60 фоизини
ташкил қилади. Айтиш лозимки, сайловларда илк
бор қатнашадиган ёшларнинг сони ҳам анчагина.
Улар ҳозир давом этаётган сайлов жараёнида
қандай иштирок этишмоқда? Сайловларда илк
мартга иштирок этадиган ёшлар масъулиятни тўлиқ
ҳис қилишяптими? Мазкур сиёсий тадбир ҳақида
унда илк бор қатнашадиган фуқароларимиз қандай
фикрда? Қуйида бир гуруҳ ёшларнинг ана шу
хусусидаги тасавуurlari билан танишамиз.

Тоҳиржон ҒОФУРОВ,
ТДЮИ бакалаври:
— Утаётган ҳар бир кун
юртимизни ўз тарихидаги
энг муҳим саналардан би-
рига яқинлаштирмоқда. Чун-
ки яна 2 ойдан сўнг халқи-
миз давлат ҳокимиятининг
асосий тармоқларидан бири
— қонун чиқарувчи ҳокими-
ятни шакллантирувчи сай-
ловларда иштирок этади.
Ўзбекистон Республикаси-
нинг тенг хуқуқли фуқаро-
ларидан бири сифатида мен
ҳам ҳаётимда илк марта пар-
ламент сайловларида овоз
бераман. Тўғриси, бу сай-
ловлар, айнқиса, уларнинг
бутунлай энг қўринишидаги
Олий Мажлис учун бўлиши
мени бироз ҳаяжонга сол-
моқда.
Менимча, мамлакатдаги
сайлов кампанияси ОАВда у
кадар кучли ёритилмаётган-
дек туюлмоқда. Биз ўқиб
давонида давлат ҳокимияти
тизими ҳақида ҳам, қонун
чиқарувчи ҳокимият, сайлов

хуқуқи ҳақида ҳам кўп на-
рсалар ўрганганмиз. Бугун
Конституция, қонунлар, дав-
лат фуқароларга адлатли
ва ҳолис сайловлар, мукам-
мал парламент тизимининг
мавжуд бўлишига кафолат
бермоқда. Бирок агар биз
— фуқаролар унда фаол қат-
нашмасак, парламент ҳам,
сайловлар ҳам асло мукам-
мал бўлмайди.
Хозирча 3 та партиянинг
дасури маъқул келди. Қай-
си партияга, қайси номзо-
дга овоз беришимни эса сай-
лов арафасида ҳал қиламан.
Дилноза НАМАЗОВА,
ЎДЖТУ талабаси:
— Икки палатали парла-
ментга ўтилиши Ўзбеки-
стонда демократик-хуқуқий
давлат қуриш йўлидаги яна
бир қадам бўлади. Хозирги
кунда сайловга жуда катта
тайёргарлик қўриляпти.
Сайловлар демократик,
(Давоми 2-бетда).

«Халқ сўзи» назоратида

Камчиликлар бартараф қилинди

Газетамизнинг шу йил 21 август сонида «Дала шийони шип-шийдон»
сарлавҳа остида «Сурат-айблов» берилганди. Унда Олтинарқ туманидаги
Ахмад ал-Фарғоний ширкат хўжалигидаги дала шийонларининг ночор
аҳволи танқид қилинган эди. Мазкур чиқиш юзасидан тахририятимизга
расмий жавоблар келди.

«Мақола Касаба уюшмалари виллоят Ке-
нгаши томонидан ташкил этилган ишчи
гуруҳ томонидан жойида ўрганилди. Ахмад
ал-Фарғоний ширкат хўжалигидаги 9-пуд-
рат дала шийонининг томлари ёпилиб,
электр тармоқларидаги камчиликлар ту-
затилди. Шунингдек, хўжаликдаги
1,3,6,7,9-пудрат дала шийонларидаги
камчиликлар ҳам бартараф қилинди. Қол-
ган учта пудрат дала шийонларида таъ-
мирлаш ишлари давом этмоқда.
Виллоят ҳокимининг биринчи
ўринбосари
З.РАҲМОНОВ».

«Сурат-айблов»да кўрсатилган тан-
қиддан сўнг туман ҳокимининг ўрин-
босари Ж.Суярқулов, Т.Тожиевлар
иштирокида Ахмад ал-Фарғоний шир-
кат хўжалигида йиғилиш ўтказилиб,
кўрсатилган камчиликлар муҳокама
қилинди. Йўл қўйилган камчиликлар-
ни бартараф этиш юзасидан ишчи
гуруҳи тузилди. Бугунги кунда 9-пуд-
рат дала шийонидаги камчиликлар
туғатилган.
Олтинарқ тумани ҳокими биринчи
ўринбосари
Ж.СУЯРҚУЛОВ».



Жамиятда хотин-қизлар

Мамлакатимизда бу йил сайловлар йили. Шу боис айни кунларда сайлов тарғиботи ва ташвиқоти кун сайин авж олмақда. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси, республика Хотин-қизлар кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида ўтказилган анжумани ҳам ана шундай тадбирларнинг бири дейиш мумкин.

Унда хотин-қизларнинг икки палатали парламент сайловларидаги ўрни ва роли бош мавзу бўлди. Анжуманда дастлаб сўз олган Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Иномова аёлларнинг жамият тараққиёти-

да соғлом авлодни шакллантиришдаги, оила муҳитидаги ўрни беқиёсига эътибор қаратди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари ўзбекистон Қарамони, ҳақ шоири А. Орипов, Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси М. Сафоова, «Оила» маркази директори В. Каримованинг аёлларнинг ҳаётимиздаги мавқеи ҳақидаги маърузаларини тингладилар.

Анжуманда жамиятда аёлларнинг фаоллиги орттириш бўлаётгани хусусида сўз юритилар экан, мамлакат сиёсий жараёнида, жумладан, икки палатали парламент сайловларида ҳам хотин-қизларнинг кенг иштирокини таъминловчи ҳуқуқий асослар яратилганлиги алоҳида таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С. Хўжаева Олий Мажлисга 1994, 1999 йиллардаги сайловларда кўрсатилган номзодлар орасида аёлларнинг улушини таҳлил қилиб, парламентда хотин-қизлар эгаллаши керак бўлган ўринга, яъни квотага етмаганлигини рўй-рост айтди. У иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг XV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов

тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгариш — «Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар умумий сонининг қамиди ўттиз фоизини ташкил этиши лозим»лиги ҳақида гапириб, бу хотин-қизлар учун яратилган қатъий имконият эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз хотин-қизлари орасида интеллектуал салоҳиятга эга, ғайратчан, ўз ишига фидойи, сиёсатдон аёллар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Гап фақат номзоднинг кўймоқи бўлаётганлар сайловдаги тарғибот ишларини самарали ташкил этишларига боғлиқ. Чунки улар бу дастурлари билан сайловчилар эътиборини қанчалик кўп торта, шунча кўпроқ овоз олишга эришадилар. Шунда хотин-қизлар икки палатали парламентда муносиб ўринни олишга муяссар бўлишадилар.

Г. ОХУНОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Илғолар сафи кенгаймоқда
Андижонда пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режасини бажараётган туманлар сони тобора кўпаймоқда. Қуни кеча Балиқчи тумани пахтакорлари ҳам илғорлар сафидан ўрин олдилар. Мавжуд 11503 гектар эрининг ҳар гектаридан 31,6 центнердан ҳосил кўтарилди. Тумanning «Пахтакор», «Шералик» сингари бир қатор хўжалиқларида йиллик режа 124 фоизга етказилди.

Шунингдек олтинқўллик пахтакорлар ҳам 20720 тонна пахта топириб йиллик режани бажаришди. Гектарлар ҳосилдорлиги эса 32 центнерни ташкил этди. Туманлар галабасида фермер хўжалиқларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ва ижро

Малакангиз етарлими, мутахассис ?

Пойтахтга малака ошириш институтига келган домла дейди: — Олий маълумотлиман, иш тажрибам ҳам оз эмас. Бироқ, бозор ўқувчиларининг айрим саволларига жавоб бера олмай қоляпман. Соҳадига кўп нарсалардан беҳабаримиз, чоғи. Замондан орқада қолиш дегани шунақамикан?

Таялмисиз тараққиёт йўқ. Бу ҳаётини ҳақиқат. Айни пайтда илм-фан шу қадар жадид суръатлар билан ривожланмоқдаки, мутахассисларнинг касб малакалари тез эскириб қолмоқда. Шу боис замон ҳар бир мутахассисдан тинимсиз ўқиб-ўрганиш, касб маҳоратини оширишни талаб қилмоқда.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йўналишида бу борада сўз юритилган. Жумладан, мактаблар ўқитувчиларининг 30 фоизи олий маълумотга эга эмаслиги таъкидланди. Бу ноҳус бўлса-да, бор гап. Энди тасаввур қилинг, ана шунча ўқитувчининг касб малакаси қай даражада?

Келинг, бир эслаб ўтайлик. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош мудоаси нимадан иборат? У қомил инсон ва етук мутахассис тайёрлашга қаратилган. Мутахассис эса шубҳасиз ўз касб малакасини ошириб бориши шарт.

Республикамизда таълим тизимининг ўзига хос модели яратилган. У Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ифодасини топаган бўлиб, босқич-босқич амалга оширилмоқда. Мутахассислар малакасини ошириш эса Дастурнинг асосий бўғини сифатида тан олинган. Ҳозирда мактаблар, касбухона коллежлари, олий ўқув юртиларида ўқув жараёнини тақомиллаштиришга қатъий эътибор берилмоқда.

Тўғри, касб малакасини ошириш борасидаги муаммолар билан биргина вазирлик ёки мутасадди ташкилотларгина шуғулланишлари керак эмас. Бу жараёнда бутун республика педагог-ўқитувчилар жамоаси фаол иштирок этмоғи лозим. Зеро, мавжуд ютуқлар билан бирга қамчилиқлар, муаммолар, биринчи гада, уларга яши маълум.

Очиги, малака оширишга юборилаётган базми мутахассислар бунга жиддий эътибор беришмайди. Уни шунчаки беш-ўн кунлик дам олиш деб қабул қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Неча шундай?

Биринчи гада касб малакаси оқсаётганини ўқитувчиларнинг ўзлари тўғри баҳолай олишлари керак, — дейди Самарқанд вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, педагогика фанлари номзоди Азиз Аминов. — Акс ҳолда улар малака оширишни мажбурий ўқишда тушунишди ва бунга чин дилдан берилмайдилар. Бундай ёндоқ шув эса қўзланган самарани бермайди. Миллий дастур талабларига қўра қадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб малакаси, билимларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, аввало, тингловчиларнинг билими малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабларига нечоғлиқ тўғри келиши аниқланди ҳамда бўшлиқларни қайси усуллар билан тўлдирлиши белгилаб олинди.

Улар замон талабларидан асло ортада қолишлари мумкин эмас. Яъни ҳар бир фан мутахассиси ўзида қандай йўналишда билим етиштирилганини, нималар борасида оқсаётганини аниқ ҳис этмоғи лозим. Буни эса улар Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган талабларга қиёсан билиб оладилар. Демак, ўқитувчи малака оширишга аниқ режа асосида келиши керак. Биз айнан шунга ҳаракат қилаётимиз. Бунинг учун институт профессор-ўқитувчиларни махсус тестлар орқали тингловчиларнинг қайси йўналишда оқсаётганини аниқлаб, маърузаларини шунга мослайди. Институтда барча фанлар бўйича маъруза матнлари тайёрланиб, қўланма шаклида чоп этилган. Уларнинг электрон дастурлари институт ва барча туман методика кабинетларида ҳам мавжуд.

Малака илм-фан тараққиёти билан измаиз юрмоғи керак. Дипломли, хатто маълум бир иш тажрибасига эга, аммо ўз соҳасидаги янгиликлардан беҳабар, малакаси ўн йил аввалги ҳолда қотиб қолган мутахассисдан эса қанчалик наф бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Эшлар эса ҳозирги технологиялар асрида дарсдан ташқари муқтали ўқиб-ўрганаётганлар ҳам. Уларга сабоқ бераётган мутахассис эса оқшаи асло мумкин эмас. Акс ҳолда табиий савол турлади: малакангиз етарлими, мутахассис? Бу саволга эса мутахассиснинг билими ва иш сифатидаги тўлиқ жавоб бера олади.

Рустам ЁРЛАҚАБОВ,
Абдурашад САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Ўн саккиз ёшиллар

Масъулиям юки

уни сайловларда илк бор қатнашадиганлар қандай ҳис этишмоқда?

(Давоми. Боши 1-бетда).

очик ва ошқора ўтиши учун барча шароитлар яратилмоқда. ОАВда бу ҳақда маълумотлар бериб берилаётган.

Аммо ушбу жараёнда абсентеизм, яъни базми жойларда сайловларга лойқаб билан ёндашиш, иштирок этмаслик масаласига эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман.

Ватанимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида сайловга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганимдан, шу юрт бошқарувида билвосита бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан қувончим чекмас.

керакми ёки йўқлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Яна биз сайланган депутатлар эртага ишончимизни оқлайдими йўқми, айтиш қийин. Шунинг учун номзодларга олгини, улар ҳақида яхши билгандан кейингина овоз бериш керак.

Сайлов жараёни ОАВда яхши ериштиляпти. Лекин, назаримда бу ҳали етарли эмас. Билишимча, яқинда партиялар ва номзодлар ўртасида кескин сиёсий баҳслар кўтилмоқда. Бундай жараёнда мен биринчи бор қатнашаман. Тўғриси, ўзимни қандай тутишни ҳам билмайман. Лекин яқинларим ва маҳалла бунда менга ёрдам беришади, деб умид қиламан.

мизга фойда келтиради, деб ўйлайман. Шубҳасиз, қонунларимиз ҳам янада кўнамаллиб ҳам.

Сиз бу йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов йили эканлигини биласизми?

18-19 ёшли фуқаролар — Ҳа, биламан-63,5 фоиз. Йўқ, билмайман-36,5 фоиз.

20-29 ёшли фуқаролар — Ҳа, биламан-61,1 фоиз. Йўқ билмайман-38,9 фоиз.

Тадқиқотлар республикамизнинг турли ҳудудларида яшайдиган 2000 нафар фуқаро орасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган.

ҳаётимдаги биринчиси. Шу тўғрисида ўзимга яна қизиқари. Сиёсий тадбирга жиддий эътибор қаратиш керак.

Феруза ЖАББОРОВА,
Каттақўрғон шаҳри, 11-синф ўқувчиси:

— Сайловда қатнашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Ҳозир ОАВдаим, уйдаим, мактабдаим, сайлов ҳақида кўп гапириляпти. Лекин биз ўзимиз сайлов моҳиятини яхши тушуниб етмасак, у ҳақда қанча гапирилса ҳам бефойда. Шунинг учун, аввало, ёшларнинг ўзлари фаол бўлиши керак. Бу бизга ўша биринчи марта қатнашаётганларнинг бурчидир. Чунки унинг пойдевори қандай қўйсақ иморат ҳам шундай бўлади.

Наргиз НАБИЕВА, Иккинчи Тошкент юридик коллежи талабаси:

— Мен ушбу жараён ва унда қатнашаётган партиялар ҳақида ҳамма нарсани билишга ҳаракат қилаяпман. Чунки менга берилган бундай ҳуқуқ масъулиятини яхши тушунаман.

Яна бир нарсга айтмоқчи эдим. Сайловларда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар кимнинг шахсий иши. Лекин мен сайловда, албатта, қатнашаман, шу юрт бошқарувида билвосита бўлсам бўлса, мен ҳам қўшаётганимдан қувончим чекмас.

Омонбек ХЎЖАЕВ, Республика таълим маркази ходими:

— Очиги, менинг овозим

Бундан ташқари биз кўча-кўйда, маҳалларда ёшлар билан айни шу мавзуда мулоқотда бўлишга ҳаракат қилдик. Шунда англадикки, биз қолган оз фурсатдан самарали фойдаланишимиз ва фуқароларимизни, уларнинг ёшидан қатъи назар қўйиб қатнашадиган муҳим сиёсий ўзгаришларга жалб қила билишимиз ниҳоятда зарур экан. Бунда корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва ўқув юртиларида ҳамда бошқа жойларда давра суҳбатлари ва тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, умуман, сайловлар моҳиятини ҳар бир фуқаронинг онгига етказиш учун қатта ишлар қилиш талаб этилади. Зеро, сайлов жамият ҳаётининг энг йирик сиёсий жараёндир. Унинг қўлаи эса сайловчиларнинг фаоллиги, сиёсий онги ва маданияти билан белгиланади.

эришиш зарур. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг барча турлари ҳам бир хил самара бермайди. Шу сабабли бир кредит туридан қўрилган зарарни иккинчиси ҳисобига қўриш мумкин. Бу эса кредит опе-

улушини кўпайтиришнинг аҳамияти шундаки, бу корхоналарда кредит таъминоти, кредитни ўз вақтида қайтариш имкониятлари мавжуд, бугунги кунда қўшама корхоналарга кредит тақдим

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг энг муҳим вазифаларидан бири — бу кредит портфелини диверсификациялашдир. У ўз навбатида кредит хатарларини пасайтиришга қўшада тўтади. «Диверсификация» лотинча «diversificatio» сўзидан олинган бўлиб, ўзгариш, ҳар хиллик, кўп тармоқли каби маъноларни англатади.

рацияларидан олинмаган даромадлар барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Кредит портфелини соғломлаштиришда уни нарх олувчилар турлари бўйича диверсификациялаш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Ҳозирда «Ипак йўли» банки кредит портфелида жами кредитнинг учдан тўрт қисми хусусий корхоналар ва корпорациялар ҳиссасига тўғри келмаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Лекин бундай ҳолатнинг шаклланиши ижобий ҳусусиятга эга бўлса-да, фикримизча, кредит портфелида жисмоний шахслар, қўшама корхоналар улушини ошириш муҳимроқ. Негаки, жисмоний шахсларда кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти кенг. Кредит портфелида улар улушининг ўсиши ижтимоий самарадорликнинг ошишига ҳам олиб келади.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларни кредит ресурслари билан таъминлашнинг яхшилаш уларнинг иқтисодий фаоллигини ҳамда даромадлари ҳажмининг ошириши, Даромадлар ҳажмининг орттиши эса пиропларидан самарали фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Кредит портфелида, шунингдек, қўшама корхоналар

эришиш зарур. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг барча турлари ҳам бир хил самара бермайди. Шу сабабли бир кредит туридан қўрилган зарарни иккинчиси ҳисобига қўриш мумкин. Бу эса кредит опе-

улушини кўпайтиришнинг аҳамияти шундаки, бу корхоналарда кредит таъминоти, кредитни ўз вақтида қайтариш имкониятлари мавжуд, бугунги кунда қўшама корхоналарга кредит тақдим

Кредит муассасалари:

БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБАРИ

Америкалик иқтисодчилар — С. Фишер, Р. Дорнбуш ва Р. Шмалензи эса диверсификацияни «хатарни бир нечта активларга тақсимлаш орқали унинг даражасини пасайтиришга йўналтирилган стратегия» сифатида ифода қилдилар. Уларнинг фикрича, диверсификациянинг асосий қонундаси «ҳамма тухумларни битта саватда сақламасдан, тақсимлаб юборишдан иборат». Кўришиб турибдикки, диверсификация, энг аввало, хатарни пасайтиришга қаратилган фаолиятдир.

Ҳақон хўжалик тизимида глобаллашув жараёни кучайиб бораётган, корхона ва фирмалар ўртасида рақобат кураши кескинлашаётган бир вақтда диверсификация олдиндан кўйилган мақсад эмас, балки объектив жараёнининг вужудга келиши натижасида амалга ошириладиган мажбурий чора-тадбир ҳисобланади.

Табиий савол туғилади: кредит портфелини диверсификациялаш нима дегани? Бу — бирор-бир кредит турига боғлиқлик даражасини камайтириш, кредит ресурсларининг оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, фонд бозорларида унинг мавқеини мустаҳкамлаш, микс ва синергетик самарга эришиш мақсадида кредит фаолияти қўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Кредит портфелини диверсификациялашнинг муҳим йўналишларидан бири — кредитларни мундтабга қараб тақсимлашда оқилона нисбатга эришишдан иборат.

Бир мисол. Бугунги кунда «Ипак йўли» банки кре-

дидларда, айниқса, узок мuddатда кредитлар устувор ўринга эга бўлмоқда. Бироқ шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, оdatда тижорат банклари каска мuddатли депозитларни қабул қилганлиги тўғрисида кредит портфелида уларнинг улушини ошириш мақсада мувофиқдир. Бундан ташқари, узок ёки қисқа мuddатли кредитларни тақдим этишда, умуман, иқтисодиётдаги ҳолатни ҳам ҳисобга олиш лозим. Гап шундаки, республикамиз иқтисодиётида макрокотисодий барқарорликнинг қарор топганлиги узок мuddатли кредитлар ҳиссасини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Кредит портфелини диверсификациялашнинг муҳим йўналишларидан яна бири — тақлиф этиладиган кредит маҳсулотларининг турларини кенгайтиришдир. Хусусан, «Ипак йўли» банкида кўйилган кредит операциялари турлари амалга оширилмоқда: лойиҳавий молиялаштириш, кредит линияларини очиб, лизинг, факторинг, микрокредитлаш, истеъмол кредити. Ушбу кредит турларини танлашда, албатта, банк томонидан танланган стратегия муҳим ўринга эга. Бироқ кредит хатарларини пасайтириш учун ушбу кредит турларининг барчасидан фойдаланиш ҳамда улар ўртасида оқилона нисбатга

эришиш зарур. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг барча турлари ҳам бир хил самара бермайди. Шу сабабли бир кредит туридан қўрилган зарарни иккинчиси ҳисобига қўриш мумкин. Бу эса кредит опе-

улушини кўпайтиришнинг аҳамияти шундаки, бу корхоналарда кредит таъминоти, кредитни ўз вақтида қайтариш имкониятлари мавжуд, бугунги кунда қўшама корхоналарга кредит тақдим



Дастурхоннинг тўқин, рўзгоримизнинг бут бўлишида боғбун соҳибкорлар меҳнатининг ўрни беқиёс. Бу борада Янгиқўрғон туманидаги «Хадикент» ҳарбий хўжалигида амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовордир. Хўжалик деҳқонлари жорий йилда 116 гектардаги картошканин ҳар гектардан 170 центнердан, 200 гектардаги боғдан 1500 тонна мева, 160 гектар узумзордан эса 1700 тонна ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Натижа ёмон бўлмади.

— Барча боғ ва узумзорларни ижарачиларга бўлиб берилгани ўз ижобий самарасини кўрсатди, — дейди ижарачи Хикоят Тўхтақулова. — Биз ҳам кунга-боқардан юқори ҳосил олдик. Даромадимиз ҳам кўпганимиздек бўлди.

СУРАТДА: ижарачи Хикоят Тўхтақулова ўзи етиштирган кунгабоқар ҳосилдан хурсанд.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси»га 2004 йил учун обунда давом этмоқда

«Ахборотнома»га йил бўйи обунда бўлишимиз мумкин, аммо ҳозир обунанинг энг қўлай пайти.

«Ахборотнома»да Ўзбекистон Республикаси парламентининг норматив ҳужжатлари эълон қилиб борилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси» расмий нашр бўлиб, ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида, бир жилдада, бир чоп этилади.

«Ахборотноманинг нашр индекси 887.

Нашр нархи обунда расмийлаштирилган пайтда тақдим этилади.

Ҳар бир алоқа бўлимида «Ахборотнома»га обунда бўлиш шартлари ҳақида янада муфассалроқ маълумотлар олиш мумкин.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Террорчи йўқ қилинди



Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Газа секторидан бир машинага ракета ёрдамида ҳужум қилди. Тиббиёт ходимининг айтишича, икки киши қурбон бўлган. Манбада таъкидланишича, улар орасида «Хамас» гуруҳи етакчиларидан бири Аднан Ал-Гул ҳам бор. Аднан Ал-Гул портлатган модда тайёрлаш бўйича мутахассис эди. У Исроил томонидан қидирувда бўлган террорчилар рўйхатидаги 15 қаторда турибди. Хозирча Исроил томони бу воқеага ўз муносабатини билдиргани йўқ.

Вазирлар йиғилиши

Кеча Алматы шаҳрида Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирларининг йиғилиши бошланди. Мазкур форумда минтақанинг 16 давлатидан вакиллар қатнашмоқда. Вазирлар қўмитасининг умумий ривожланиш стратегиясини муҳокама қилишмоқда. Йиғилиш сўнгида сиёсий декларация қабул қилиниши кутуляпти.

Рекорд кўрсаткич

Америка Сиёсий маркази АҚШ президентлиги учун бўлиб ўтаётган сайловолди жараёнига 4 миллиард доллар сарфлаганини маълум қилди. Бу рекорд кўрсаткичдир. 2000 йилдаги сайловда бу кўрсаткич 3 миллиард долларни ташкил қилган. Жорий йилда номзодлар учун партиялар ва шахслар томонидан 2,5 миллиард доллар маблағ ажратилган.

«Тогага»

Келтирилган зарар

Японияда бир неча кундан бундан давом этаётган «Тогага» довули натижасида 66 киши қурбон бўлган. Бундан ташқари, маҳаллий омавий эҳборот воситалари тарқатган хабарда айтилишича, кутқарувчилар яна дом-дараксиз кетган 22 кишини қидиришмоқда. Кучли ёмғир ёғиши оқибатида ер кўчиши ва сув тошқинлари юз бермоқда.

Бош вазирга суиқасос

Ироқ Бош вазир Айдид Алавий Мосул шаҳрига таширф буюрган чоғда жангарилар унга қарата миномётдан ўт очилган. Reuters ахборот агентлиги хабаридан таъкидланишича, жангарилар бош вазирга суиқасос уюштирилган.

Алавий билан бирга бўлган журналистнинг айтишича, беш маротаба бомба портлаган. Бош вазирга ҳеч бир шикаст етмаган. У дарҳол вертолётда воқеа жойидан олиб кетилган.

Ислохотлар ўтказиш зарурати

Россия ҳукумати мамлакатда маъмурий ислохотлар ўтказиш дастурини 2005 йилдан амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди. Бу ҳақда Бош вазир ўрибосари Александр Жуков маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, бу масалаларда бир қарорга келинган. Айтиш пайтида Россия Иқтисодиётни ривожлантириш вазирлиги икки ҳафта муддатда лойиҳа ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Ноқонуний йўқ қилинган

Грузия Мудофаа вазирлиги берган маълумотга кўра, юқори мартабали ҳарбий зобит бўйири билан сўнгиги бир йил давомида 400 миллион долларли қурол-яроғ ноқонуний йўқ қилинган. Мазкур масала юзасидан Мудофаа вазирлиги ҳамда хавфсизлик хизмати ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Украинада президент сайлови шу йил 31 октябрь кунини бўлиб ўтади. Бироқ сайлов ҳамда номзодлар билан боғлиқ шов-шувлар бир йилдан бери давом этиб келяпти. Турли миш-мишлар таҳминлар, башоратлар сўровлар ўтган йилнинг ноябрь ойидаёқ бошланган. Леонид Кучма яна ўз номзодини қўйди-йўқми, Украина Россияга яқинлашадими ёки Фарбага оғадими, собиқ бош вазир Ющенко бош вазир Януковични каби саволлар атрофидаги мунозаралар ва тортишувлар қарийб ўн ойдан кўпроқ давом этди. Ана шу даврда ҳукуматни қўллаб-қувватловчи сиёсий кучлар билан унга мухолифатда бўлганлар ўртасидаги муносабатда кескинлик сақланиб турди.

Ваҳоланки, кескин мунозаралар сабаб бўлган юқоридagi кўпгина саволларнинг жавоблари шу йилнинг баҳор ва ёз ойларидаёқ ойдинашиб қолган эди. Жумладан, Леонид Кучма президентликка номзод сифатида ўз номзодини кўрсатмаслиги тўғрисида бир эмас, бир неча марта баёнот берганлигига қарамастан мухолифатчилар унга ишонимсиз ва Кучманинг лозхотлар ўтказиш юзасидан киритган хар қандай тақдирлар ва билдирган фирм-мулохазаларига қаршилик кўрсатдилар. Ҳатто, норозилик намойишлари уюштиришди. Мухолифатдаги кучлар рўйхатга

Украина:

Януковичми ёки Ющенко?

олинган президентликка номзодлар орасида Леонид Кучманинг номини қўришмаганидан кейингина тинчидилар. Бироқ, ҳозир Украинада Леонид Кучма бошлаган ишни давом эттирадиган катта сиёсий куч бор. Бу куч президентликка асосий номзодлардан — ҳозирги бош вазир Виктор Януковичнинг сайловда голиб чиқишига умид қилмоқда.

Кўпдан бери мунозаралар сабаб бўлаётган саволлардан бири, яъни Украинанинг Россияга яқинлашиши ёки Фарбага оғиши ҳақидаги масаланинг ечими, афтидан, шу сайловда ҳал бўладиган кўринади. Ҳаммаси икки кита асосий номзоддан қай бири голиб чиқишига боғлиқ. Виктор Янукович Украинанинг келажакни Россия билан яқин ҳамкорликда кўраётган бўлса, Виктор Ющенко Фарбий Европани хар жиҳатда ибрат деб билди. Бироқ, хар иккаласининг ҳам сайловда галаба қилиш ёки биринчи босқичда кўп овоз олиб, такрор

овоз беришда қатнашиш имкониятлари бор. Аксарият кузатувчилар масала 31 октябрь кунини эмас, такрорий овоз бериш кунини ҳал бўлади, деган фикрдалар.

Сайловга Украинадан ташқарида, айниқса, Россия ва Фарбий Европа

Шарҳловчи минбари

мамлакатларида ҳам қизиқиш катта. Жумладан, Россиядаги сиёсий тадқиқотлар институти директори Сергей Марковнинг «Новости» ахборот агентлигига берган интервьюсида сайлов билан боғлиқ юзага келган вазият чўқур ва атрофлича таҳлил қилинади. У сайлов натижасида хар қандай қутилмаган ҳолатлар юз бериши мумкинлигига эътибор қаратар экан, Россия билан Фарб ўртасида турган Украина ўзи учун аниқ сиёсий йўлни танабб олди, деб ишонч билдиради. «Украинадаги сайловлар Россия

учун 2004 йилдаги энг муҳим воқеадир», дейди Сергей Марков.

Шубҳасиз, бу гагда жон бор. Агар кузатган бўлсангиз, Владимир Путин билан Леонид Кучманинг 2004 йил мобайнидаги сай-харакатлари икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги талаблар ҳамда юзага келган шарт-шароитлар асосида қайта кўриб чиқишга ва тобора мустаҳкамлаб боришга хизмат қилмоқда. Бу йил улар бир неча марта расмий ва норасмий тарзда учрашди. Кўпинча, бу учрашувларда бош вазирлар ҳам иштирок этишди. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги учрашувларда кузатилаётган вазиятлардан ҳамда улар бераётган баёнотлару интервьюлардан шу нарса-ни англаш мумкинки, бу икки кардош славян давлатлари иқтисодиётда ҳамкор ва сибсатда ҳамфикр бўлиш учун олдинги ишонч кўпирини қайта тикламоқдалар. Сергей Марковнинг фикрича, Россия билан Украина ўзаро ҳамкорликсиз ривожлана олмайди.

Агар сайловда Виктор Янукович галаба қилса, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик юксак даражага кўтарилари. Россия ҳукумати ва мамлакатдаги етакчи сиёсий кучлар шуни истаиди. Украинада ҳам шундай фикрлаётганлар оз эмас. Айниқса, сайлов яқинлашган сари уларнинг ягона сиёсий блок атрофида уюшиб ҳаракат қилишлари кўчаиди. Бир қанча партиялар ўз сьездларида Виктор Янукович номзодини қўллаб-


қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Бироқ «Наша Украина» етакчиси, собиқ бош вазир Виктор Ющенко ҳам сайловолди курашида қараб тургани йўқ. У ҳукуматга мухолифатда бўлган сиёсий кучлар билан бирга ҳаракат қилишдан ташқари, сайлов кундаги жарайни халқаро ташкилотлардан келадиган кузатувчилар қатъий назорат қилишларидан умидвор. «Европа президент сайловда соқталаштиришига йўл қўйилмаслиги тўғрисида Украина ҳукуматини оғоҳ қилиб қўйиши зарур», дея Виктор Ющенко журналистларга интервью берди. У сайловга гоғлар ва дастурлар ўртасидаги очиқ танлов сифатида қарар экан, ҳукумат ҳамма жараёнда ҳалолликни ва холисликни қафолатлайди, деган ўз умидларини билдирди. Шунингдек, у Россия билан Украина ўртасидаги икки томонлама муносабатлар самимий, очиқ-ошкора, изчил бўлиб қолишини истаиди ва сайловни Россия билан Фарбий Европа ёки фарбпараст кучлар билан россияпараст кучлар ўртасидаги муносабатларни оидиқлаштириб берадиган жарайни деб ҳисоблайди.

Президент сайловда рўйхатга олинган жами 26 нафар номзод қатнашади. Бу рекорд кўрсаткич. Илгари бундай ҳолат кузатилмаган. Аксарияти сиёсий партиялар номидан кўрсатилган. Мустақил номзодлар ҳам бор. Йил бошида коммунистлар номзоди Петро Симоненконинг ҳам рейтингни баланд эди. Охириги сўровлар унинг рейтингни бироз пасайанглини кўрсатди. Олександр Мороз, Наталия Витренко, Анатолий Кинах каби номзодлар ҳам бир неча фозиз овоз олишлари мумкин. Бироқ қўлган барча номзодлар бир фозиздан кам овоз олишлари таҳмин қилинмоқда.

Мана бир неча ойдирки, Виктор Янукович билан Виктор Ющенконинг рейтинглари юқорилигига турибди. Демак, голиблик учун кураш асосан ана шу икки номзод ўртасида бўлиб ўтади. Ким галаба қилади — бунин сайлов кўрсатади.

ИЮ. БУРНОВ, сиёсий шарҳловчи.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Италияда сайлов

Газетамизнинг 14 октябрь сонида АҚШнинг ЮПИ ахборот агентлиги мухбири Жон Дэйлиннинг АҚШ Конгресси, унга бўладиган сайловлар ва бу демократик жараёнларда ОАВнинг иштироки ҳақидаги мақоласи эътиборингизга ҳавола этилган эди. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси бўлиши кўнун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг кучли мувозанатда ишлашига асос бўлувчи икки палатали парламентга ўтар эканмиз, дунё таърибасининг ибратли жиҳатларини таҳлил қилиш ва улардан тегишли хулосалар чиқариш, ривожланган демократик тизимни маълум маънода барпо эта олган хоржий мамлакатларнинг парламентаризм соҳасидаги ютуқларини ўрганиш фойдадан холи эмас. Бу сафар кўнун китъанинг энг гўзал мамлакатларидан бири бўлган Италиянинг кўнун чикарувчи ҳокимияти ва унга бўладиган сайловлар ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Италия парламенти ҳам бошқа қўллаб ривожланган демократик мамлакатлар сингари икки палатадан иборат: депутатлар палатаси ва сенат. Депутатлар палатаси умумийлиги сайловлар асосида сайланадиган 630 нафар аъзодан иборат. 315 нафар сенатор эса жами 20 та вилоят бўйича сайланади. Депутатлар палатаси сайловларида 18 ёшдан ошган барча фуқаролар қатнашиш ҳуқуқига эга. Депутатликка номзод эса 25 ёшдан ошган бўлиши лозим. Сенат 25 ёшга тўлган фуқаролар томонидан сайланиб, номзодлар камида 40 ёшга тўлган бўлиши керак. Қайд этиш лозимки, мамлакатимиз кўнун чикарувчи органлари тизимидаги янги сиёсий институт — Сенатнинг ҳуқуқий ҳолатини ишлаб чиқишда жаҳон таърибасидан, хусусан, Италия парламентаризмининг ютуқларидан ҳам фойдаланилган. Масалан, Италия Сенатининг 5 нафар аъзоси жамоатчилик, илмфан ва маданият соҳасида

улкан хизмат кўратган фуқаролар орасидан давлат бошлиғи томонидан тайинланиши мумкин. Шунингдек, Италияда ҳам ваколат муддати тугагач, Президент умрбод Сенат аъзоси бўлиб қолади.

Палата сайловлари ҳақидаги (1957 йил) ва сенат сайловлари (1958 йил) қўнунлар Италияда мазкур органларнинг ташкил этилиш тартибиди жиҳидий фарқларни юзага келтиради. Яъни палата сайловлари мутаносиб равишда кўп мандатли сайлов тамойиллари асосида ўтказилса, сенаторлар бир мандатли округларда сайланадилар. Батафсилроқ айтиладиган бўлса, депутатлар бир округда 2 кишидан ортиқ номзод бахс олиб борадиган кўп мандатли сайловларда аниқланса, сенаторликка сайловларда бир округдан битта шахс номзоди қўйилиб, у тўла вақт фойдалиларни амалга оширадилар.

Сайловчиларнинг 65 фозиз овозини тўплаган номзод сенаторликка сайланган ҳисобланади.

Парламент сайловлари амалдаги палаталар ваколат муддати тугашига камида 70 кун қолганда ўтказилади. Янги сайланган депутатлар ва сенаторларнинг биринчи йиғилиши эса президент томонидан чақирилади.

Кўнун қабул қилиш уч босқичда амалга оширилади: 1) Кўнун лойиҳанинг депутатлар палатаси томонидан қабул қилиниши; 2) Кўнун лойиҳасининг сенат томонидан қабул қилиниши; 3) Кўнун лойиҳасининг президент томонидан имзоланиши. Дастлабки икки босқич амалга ошмай туриб, президент кўнунни қайта муҳокама қилиш талабини билдириши мумкин, аммо агар икки палата ҳам кўнунни тасдиқласа, президент кўнунни имзолашга мажбур бўлади. Италия парламентининг депутатлар палатаси ва сенат бири-биридан фарқли қўллаб ваколатларга эга. Бундан ташқари, парламентнинг мазкур иккала органи биргаликда ҳам айрим фойдалиларни амалга оширадилар.

Ботиржон ҒОҒУРОВ.

ИҚТИСОДИЙ ЖАЗО ҚўЛЛАМОҚЧИ

